

ЎТМИШГА НАЗАР

4 - МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 4

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE - 4



Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

1. Доно Зияева ЭРОН САФАРНОМАЛАРИ ВА МЕМУАР АСАРЛАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА.....	6
2. Санобар Шадманова ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ ВА ТИПОЛОГИЯСИ (1917-1941 ЙИЛЛАР).....	13
3. Надира Маҳкамова ЎРТА ОСИЁ МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШ МАСАЛАСИНИНГ СОВЕТ ДАВРИ АДАБИЁТЛАРИДА АКС ЭТИШИ.....	20
4. Қаҳрамон Алманов ИЛК ЎРТА АСРЛАР УСТРУШОНА ТАНГАЛАРИ.....	29
5. Шахноза Абдурахимова 1985-1991 ЙИЛЛАРДАГИ АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ АКС ЭТИШИ.....	39
6. Zebiniso Axmedova OLIMLARNING AHMAD DONUSH IJODI VA FAOLIYATIGA QARASHLARI.....	47
7. Гулчеҳра Аҳмедова СУРХОНДАРЁ БАХШИЛАРИ.....	54
8. Komiljon Arziyev SHIMOLIY-BAQTRIYA MOZOR-QO`RG`ONLAR O`RGANILISH TARIXI (eramizdan avvalgi II asrlar oxiri va eramizning III asrlariga).....	59
9. Мансур Бойсариев ДИАСПОРА ТУШУНЧАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР КЕСИМИДА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	65
10. Шерзод Бахранов РОССИЯНИНГ ЎРТА ОСИЁ БИЛАН ҚЎҚОН ОРКАЛИ ОЛИБ БОРГАН ЧОЙ САВДОСИ ТАРИХИДАН (XIX-аср охири ва XX-аср бошларида).....	74
11. Феруза Бобожонова БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ МАДРАСАЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ, МОДДИЙ-ХЎЖАЛИК ТАЪМИНОТИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	80
12. Назокат Бозорова СУРХОНДАРЁЛИКЛАРНИНГ ФРОНТ ВА ФРОНТ ОРТИДАГИ ЖАСОРАТИ.....	94
13. Шербек Ёдгоров МИСРДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА РАДИКАЛИЗМНИНГ ЁЙИЛИШИГА ТАЪСИРИ.....	100
14. Бехзод Исабеков СУЮРЛИТЕПА ЁДГОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА МУЛОҲАЗАЛАР.....	108

15. Дилфуза Исмоилова, Нор Бердиев XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛУРГИЯ ТАРИХИДАН.....	113
16. Фарходжон Исматуллаев ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК – ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА.....	121
17. Руфина Каюмова ЎЗБЕК ЖАНГЧИЛАРИНИНГ ЖАСОРАТЛАРИ УРУШ ДАВРИ ХАТЛАРИ САТРАЛАРИДА.....	129
18. Oybek Klichev, Nishona Hasanova SITORAI MOXI XOSA MUZEYI BINOLARINING TUZILISHI.....	135
19. Хушнудбек Мамадалиев ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА “ЯНГИ ШАҲАР” ЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА УЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	141
20. Erkinjon Maxmudov BXSR HUKUMATINING VAQF MULKLARIGA BO’LGAN MUNOSABATI.....	152
21. Темур Мўминов ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....	157
22. Ғайратхон Мухтаров ЧОТҚОЛ ТОҒ ТИЗМАСИ ПЕТРОГЛИФЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	166
23. Жамшид Перемкулов СОВЕТ ДАВРИДА САНОАТ ШАҲАРЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	173
24. Зафар Раҳманов ЧУСТ ЎТРОҚ ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ВОҲА ЖОЙЛАШУВ ТИЗИМИНИНГ БОШЛАНИШИ.....	183
25. Элёр Раҳмонов ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ВА ЁШ ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ЖАРАЁНИ.....	191
26. Зокир Рустамов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН, ТУРКИЯ ВА ЭРОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ИСЛОҲОТЛАР.....	199
27. Azamat Sanakulov MARKAZIY OSIYODA SIYOSIY JARAYONLARDAGI XALQ DIPLOMATIYASINING AHAMIYATI VA O'RNİ.....	205
28. Нодир Сафаров РОССИЯ-БУХОРО АЛОҚАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ТАРИХШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	213

29. Анора Тоғаева ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ: АҲВОЛИ ВА МУАММОЛАРИ (1950-1980 йиллар).....	219
30. Фарход Усманов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.....	226
31. Икромжон Умаров БАДАШ – КЎҲИТАНГТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИ АҲОЛИСИНИНГ ҚАДИМИЙ МУСИҚИЙ САНЪАТИ.....	238
32. Гулнора Фарманова Н.И.ВЕСЕЛОВСКИЙ ВА УНИНГ АФРОСИЁБДАГИ АРХЕОЛОГИК ИШЛАРИ (АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИНИНГ БИРЛАШИШ ТЎҒРИСИДА).....	245
33. Madina Chorieva XX-XXI ASRLAR TARIXSHINOSLIGIDA SO'NGGI MANGIT AMIR SAYID OLIMXON.....	250
34. Шахло Хусанова БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ МИНГТЕПА ШАҲРИ.....	255
35. Фурқат Тошбоев, Наргиза Каримова УСТРУШОНАНИНГ ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ САВДОСИДАГИ ЎРНИ.....	261

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Элёр Абдуллажонович Рахмонов,
Қўқон давлат педагогика институти
Тарих” кафедраси ўқитувчиси.
elyor.rahmonov.84@yandex.ru

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ВА ЁШ ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ ЖАРАЁНИ

For citation: Elyor A.Rakhmonov, PROCESSES OF SOCIAL PROTECTION OF LOW-PROFITABLE AND YOUNG FAMILIES IN THE FERGANA VALLEY. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.191-198

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-25>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Республикамизда кам таъминланган ва ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш сиёсатининг шаклланиши, ҳуқуқий асосларининг яратилиши, Ўзбекистондаги ижтимоий ҳимоя сиёсатини ислоҳ қилиш даврийлиги, ушбу тизимнинг натижа ва муаммолари, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилаётган ислохотлар натижаси мазмуни Фарғона водийси мисолида очиб берилган.

Таянч сўз ва иборалар: ижтимоий ҳимоя, ўтиш даври, бозор иқтисодиёти, ногиронлар, кўп болали оилалар, кам таъминланганлар, ёш оилалар, етим-есирлар, ёлғиз қариялар, пенсионерлар, ёш болали оналар, Ҳаракатлар стратегияси.

Элёр Абдуллажонович Рахмонов,
преподаватель кафедры «История»
Кокандский государственный
педагогический институт
elyor.rahmonov.84@yandex.ru

ПРОЦЕССЫ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ МАЛООБЕСПЕЧЕННЫХ И МОЛОДЫХ СЕМЕЙ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ

АННОТАЦИЯ

В статье описаны формирование политики социальной поддержки малообеспеченных и молодых семей, создание нормативно-правовой базы, периодичность реформирования политики социальной защиты в Узбекистане, результаты и проблемы данной системы, результаты реформ в рамках Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы на примере Ферганской долины.

Опорные слова и понятия: социальная защита, переходный период, рыночная экономика, инвалиды, многодетные семьи, малообеспеченные, молодые семьи, сироты, одинокие пожилые люди, пенсионеры, матери с маленькими детьми, Стратегия действий.

Elyor A. Rakhmonov,
Teacher of "History" department
of Kokand State Pedagogical Institute
elyor.rahmonov.84@yandex.ru

PROCESSES OF SOCIAL PROTECTION OF LOW-PROFITABLE AND YOUNG FAMILIES IN THE FERGANA VALLEY

ABSTRACT

The article describes the formation of a policy of social support for low-income and young families, the creation of a regulatory framework, the frequency of reforming the policy of social protection in Uzbekistan, the results and problems of this system, the results of reforms within the framework of the Strategy of Action for the Development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021 using the example of Fergana valleys.

Index Terms: social protection, transition period, market economy, people with disabilities, large families, low-income families, young families, orphans, lonely elderly people, pensioners, mothers with small children, Action strategy.

1.Долзарблиги:

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш жараёнида изчил чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ижтимоий ҳимоянинг ишончли тизими шаклланди. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли тоифалари белгиланган бўлиб, улар куйидагилардан иборат: ногиронлар, фахрийлар, кўп болали оилалар, кам таъминланганлар, етим-есирлар, муҳтож кимсалар, ёлғиз қариялар, пенсионерлар, ёш болали оналар. Шунини таъкидлаш лозимки, бундай тоифадаги фуқаролар ҳар доим ҳам ва ҳар қандай жамиятда ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтожлик сезадилар.

Қолаверса, аҳолининг кам таъминланган ва кам ҳимояланган қисми-болаларга, аёлларга, қарияларга, ногиронларга ижтимоий ёрдам бериш ва уларнинг турмуш шароитини яхшилаш ҳамда фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ислохотларга бўлган ишончини янада кучайтиришга ёрдам беради.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Жамият тараққиётининг устувор йўналишини ташкил этувчи аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсати соҳаси тадқиқотчиларининг диққат эътиборини доимо ўзига жалб қилиб келган. Шунингдек, кейинги пайтларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш жараёнини тараққиёт фалсафаси, демократик ўзгаришлар билан уйғунликда таҳлил этишга ҳам аҳамият берилмоқда.

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-манتيкий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунлардан 2017 йилгача бўлган вақт оралиғида ижтимоий ҳимоялаш тизимининг муҳим бўғини бўлган кам таъминланган ва ёш оилаларни қўллаб қувватлаш жараёнини шаклланиши, ислохотлар натижалари ва муаммолари ёритилган бўлиб, ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар, илмий журналлар, монографиялар, дарсликлар, архив материаллари ҳамда тадқиқотчиларнинг диссертацияларидан иқтибослар келтирилган.

Жумладан, тадқиқотчилар: Газиев Ш.М (Фўқоролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий ҳимоя фаолиятини такомиллаштириш муаммолари. Юридик фан. номз ... дисс. – Тошкент. 2009.), Ёрматов Ф Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: ҳолати, шаклланиш жараёни, ривожланиш истиқболлари (1991-2010 йиллар. Жанубий вилоятлар мисолида). Тарих фан. номз ... дисс. – Тошкент. 2010.), Зокирова Н (Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини социал ҳимоя қилиш

тизимини такомиллаштириш (Ўзбекистон Республикаси оилалари мисолида). Тарих фан. номз ... дисс. – Тошкент. 2011.), Раҳматуллаев Ш.М (Мустақиллик шароитида Фарғона водийси шаҳарларида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар (1991-1996 йиллар). Тарих фан. номз ... дисс. – Тошкент. 2000.), Топилдиев О.Р (Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрни(1991-2008 йй.). Тарих фан. номз ... дисс. – Тошкент. 2011.), Хайдаров З.У (Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихи: қиёсий таҳлил. Тарих фан. номз ... дисс. – Наманган. 2007.)ларнинг тадқиқот ишларида Ўзбекистонда кам таъминланган ва ёш оилаларни ижтимоий ҳимоялаш масаласига доир маълумотлар очиб берилган.

Қайд этиш лозимки, юқорида номлари тилга олинган асарларда асосий эътибор мамлакатимизда адолатли жамият барпо этишда ижтимоий ҳимоя масаласини ҳал этиш муҳим ўрин тутишига қаратилган. Айни пайтда бу асарларда ўтиш даври ҳамда демократик, ҳуқуқий жамият барпо этиш давридаги ўзига хос қийинчиликлар, муаммоларнинг мавжудлиги, уларни бартараф этиш эса давлатнинг кучли ижтимоий сиёсати натижасида юз бериши назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимининг шаклланиши масалалари “Мустақил Ўзбекистон тарихи” ва “Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари” каби асарларда ҳам маълум даражада ўз аксини топган. Номлари келтирилган асарларда бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналишлари, моҳияти, ишсизлик муаммоларини ҳал этиш масалалари, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш қабиларга эътибор қаратилган.

3.Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларида, ижтимоий ва иқтисодий оғир давларида ҳам давлат бюджетининг асосий қисми аҳолини ижтимоий муҳофазасига йўналтирилади. Жумладан, Фарғона вилоятининг 1991 йил бюджети энг зарур ижтимоий муаммоларини ҳал этишга қаратилган бўлиб, бюджетнинг харажат қисмининг 94,9 фоизи ижтимоий истеъмолни қондиришга қаратилган. 1991 йил бюджетининг ижтимоий-маданий тадбирларга ажратилган маблағи ўтган йилга (1990 йил) қараганда 164 млн сўмга ёки 44 фоизга ошиб 536,5 млн сўмни ташкил этади[10:фонд-1124, рўйхат-15, йиғма жилд-535, вароқ-38].

Ўзбекистон ҳукумати мустақилликнинг дастлабки йилларида ўтиш даври қийинчиликлари, хусусан нарх-навонинг эркинлашуви шароитида кўп болали оилаларни ижтимоий муҳофазалаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Масалан, биргина 1992 йилнинг ўзида болалар манфаатлари учун ҳамда компенсация харажатлари учун қўшимча 5,9 миллиард сўм пул ажратди[7:М-15-фонд, 1-рўйхат, 93-жилд, 37-варақ].

1992 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг нарх-навонинг эркинлашуви шароитида болаларни ижтимоий ҳимоялаш, нафақалар белгилаш бўйича эълон қилган Қарори ҳам ўтиш даври учун аҳамиятли бўлди. Болалар учун компенсация тўловлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кам таъминланган оилаларнинг икки ёшгача болаларини ижтимоий муҳофазалаш каби мақсадлар учун 1992 йилда бюджет ҳисобидан 21,3 миллиард сўм маблағ ажратилди[2:35-бет]. Шунингдек, 1992 йили вояга етмаган болалари бор оилалар учун ҳар чоракда товармаҳсулотлар нархининг ортиб боришини эътиборга олиб қуйидаги даражада компенсация тўловларини амалга оширишга қарор қилинди: - 6 ёшгача бўлган болалар учун – 25 фоиз; - 6 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар учун –30 фоиз; -13 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар учун – 35 фоиз[7:М-15-фонд, 1-рўйхат, 93-жилд, 44-варақ].

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш зарурлигини чуқур англаган Республика Президенти ва ҳукумати бу борада аниқ чора-тадбирлари натижасида аҳолининг кам таъминланган қисмини дароматларини ошириш юзасидан ижобий ютуқларга эришилди. Жумладан, аҳолининг даромат манбаларидан бири бўлган иш ҳақи, нафақалар ва стипендиялар миқдорини доимий равишда ошириб бориш орқали ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялаб борилди. Бозор иқтисодиёти даврида бошқа республикалар қатори Ўзбекистон Республикаси ҳам бир қатор қийинчиликларга учраган замонда яшаб келмоқда эди. Шунга

карамасдан Республика Президентининг 1992 йил 8-октябрдаги “1992 йил 1-октябридан нафақалар, стипендиялар, ҳамда бюджет ҳисобидаги ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисида”ги фармони асосан 1992 йил 1-октябридан Ўзбекистон ҳудудидаги уруш қатнашчилари ва ногиронларга пенсиянинг энг оз миқдори 2500 сўм қилиб белгиланган. Шундай қилиб пенсиянинг энг оз миқдори (уруш қатнашчилари ва I,II тоифа уруш ногиронлари пенсиялари) 1.56 баробарга оширилган[7:M-15- фонд, 1- рўйхат, 99-жилд, 80 -варақ].

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кам таъминланган ва балоғат ёшидаги болалари бор оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб қувватлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Кам таъминланган ва болали оилаларга ижтимоий ёрдам аниқ берилишини кучайтириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги чора-тадбирларни руёбга чиқаришда фуқороларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва масъулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1994 йил 23 августда қабул қилинган “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий химоялашни кучайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги[4:65-бет] фармони кўра Республикада кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш янада фаоллаштирилди.

Кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган маблағлар миқдори ҳам йил сайин ошиб борди. Масалан 1994 йилда ажратилган республика бюджети маблағлари 361,8 млн сўмни ташкил этган бўлса, бу миқдор доимий равишда оширилиб борилди. 1998 йилда 1 млрд сўм, 1999 йилда 2 млрд сўмни ташкил этиб, ушбу тизим орқали кам таъминланган оилалар – жами 3 миллион киши (мамлакат аҳолисининг 12,2 фоизи) ва болали оилалар 6,5 миллиондан ортиқ киши(27 фоиз)[1:47-48-бетлар] моддий ёрдам олди.

Наманган вилоятида ҳам кам таъминланган оилаларга ёрдам беришни ташкил этиш юзасидан маҳаллаларда махсус ҳисоб рақамлари очилди. Шу мақсад учун республика бюджетидан 1994 йилда 1 миллион 805 минг маблағ ажратилди. Бу маблағ 6 минг оиллага[11:110-бет.] бир йўла энг кам иш ҳақи миқдорида берилди. Фарғона вилоятининг биргина Фарғона шаҳрида 1994 йилнинг IV чорагидаёқ фуқоролар йиғинлари томонидан кам таъминланган оилаларга 1 млн. 862 минг 985 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган[5:118-бет]. Андижон вилоятида 1994 йили 181 мингдан зиёд кам таъминланган оилаларни ижтимоий химоя қилиш учун 98 млн. сўм[8:4141-фонд, 8-рўйхат, 39-жилд, 66-варақ.] маблағ сарфланган. 1995 йил давомида вилоят бўйича 124467 оиллага 137 млн. сўмдан кўпроқ[11:111-бет] моддий ёрдам кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги “Болали оилаларга давлатнинг ижтимоий ёрдамини кучайтириш тўғрисида”ги[12] Фармони аҳолининг ижтимоий химояга муҳтож қатламига моддий ёрдам кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур Фармоннинг жорий қилиниши натижасида 1996 йили республикамизнинг 15 фоиз оилалари давлат томонидан белгиланган моддий ёрдам туридан фойдаланди[5:118-бет].

1997 йил 1 январдан бошлаб фуқороларнинг ўзини ўзи бошқариш йиғинлари орқали ёрдамга муҳтож, болали оилаларга болаларнинг сонига қараб энг оз иш ҳақининг 50 фоизидан бошлаб 175 фоизигача нафақалар бериладиган бўлди[3:272-бет].

Хусусан, Наманган вилоятида 1996 йилда кўп болали оилалар фарзандлари ва етим болаларнинг 1032 нафарига суннат тўйи, ёрдамга муҳтож ёшлардан 224 нафарига нигоҳ туйлари ўтказилди[9:824-фонд, 1-рўйхат, 125-жилд, 13-варақ]. 1996 йилда Андижон вилоятида ижтимоий химояга муҳтож бўлган 194386 та оиллага 96 млн. 381 сўм[8:4141-фонд, 8-рўйхат, 88-жилд, 105-варақ]дан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилган. 1997 йилда Наманган вилоятида мавжуд 934 маҳалласида истиқомат қилувчи 12983 та кам таъминланган оилаларга 15647,7 минг сўм миқдорда ёрдам пули берилган[9:911-фонд, 1-рўйхат, 189-жилд, 17-варақ.]. Наманган шаҳрида 1997 йили давомида 5500 нафардан ортиқ кам таъминланган оилаларга жорий имтиёзлардан фойдаланишларини таъминлаш билан бирга, кўшимча равишда 602 минг сўмлик[9:824-фонд, 1-рўйхат, 137-жилд, 5-варақ] моддий ёрдамлар кўрсатилган.

Андижон вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига маҳаллий бюджетдан 1997 йили давомида 1,6 млрд сўм ёки умумий ҳаражатларнинг 19 фоизи сарфланди, шу жумладан кам таъминланган муҳтож оилаларга 88 млн. сўм[8:4141-фонд, 11-рўйхат, 36-жилд, 2-варақ] нафақа берилди. Вилоят ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан 1997 йилнинг январ-сентябр ойларида 34 мингга яқин кам таъминланган оилаларга 87,7 млн. сўм[8:4141-фонд, 11-рўйхат, 36-жилд, 21-варақ] моддий ёрдам кўрсатилган. 1998 йилнинг саккиз ойи давомида Андижон вилоят бюджетининг ярмидан зиёдроғи ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолини ижтимоий химоя қилишга сарфланиб, жумладан кам таъминланган оилаларга 136,9 млн сўм[8:4141-фонд, 11-рўйхат, 36-жилд, 21-варақ] дан ортиқ нафақа тўланган. Бу кўрсаткич 1999 йилнинг саккиз ойида 201 млн. сўм[8:4141-фонд, 15-рўйхат, 46-жилд, 20-варақ]ни ташкил этган.

Шу билан бир қаторда фуқороларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан республика бюджети орқали ажратилган маблағларни кам таъминланган оилаларга етказиш ҳолатларида бир қатор камчиликлар учраган. Хусусан, 1999 йилда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун фуқороларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига республика бюджетидан ўтказиб берилган 3,1 млрд сўм пул маблағларидан 133 млн сўми ишлатилмасдан қолган. Ушбу мақсадда ажратилган маблағларнинг Фарғона вилоятида 25 млн сўми, Андижон вилоятида 42 млн сўми ва Бухоро вилоятида 18,6 млн сўми йил охиригача фойдаланмасдан қолирилган[7:М-15-фонд, 1-рўйхат, 1215-жилд, 43-варақ]. Натижада ушбу мақсадларга йўналтирилган пул маблағларининг кам ишлатилиши ҳолатлари кенг тарқалиб, ижтимоий таъминотга муҳтож қатламнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқлари қўпол равишда бузилишига йўл қўйилган.

Аҳолининг кам таъминланган қатламларининг давлат томонидан моддий таъминлаш доимий равишда такомиллаштириб, 1997 йил сентябр ойдан бошлаб, ҳар йили 1- синф ўқувчиларига бепул ўқув анжомлари, дарсликларни бериш жорий этилди. Шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг бошланғич синфларда ўқийдиган болаларига бепул қишқи иссиқ кийимлар бериш йўлга қўйилди. Масалан, 2001-2002 ўқув йилида 2243 нафар, 2002-2003 ўқув йилида 2108 нафар, 2003-2004 ўқув йилида 5877 нафар кам таъминланган оила фарзандларига бепул дарсликлар ва китоблар, ўқув қуроллари, кийим-кечак, болаларнинг ёзги дам олиш оромгоҳларига бепул, имтиёзли нархдаги йўлланмалар олиб берилди[6:121 бет]. Жумладан, Фарғона вилоятида 2006-2007 ўқув йили учун “Президент совғаси” сифатида 1-синфга қабул қилинган 56100 нафар ўқувчиларга ўқув қуроллари тўпламлари, шунингдек, кам таъминланган оилалар болаларини билим олишида моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 1-9- синф ўқувчиларини бепул қишқи кийим-бошлар билан таъминлашга 2324,6 млн. сўм маблағ сарфланган[10:2048-фонд, 20-рўйхат, 10-жилд, 26 - варақ].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январда “Аҳолининг ижтимоий химояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида”ги ПФ-3017 сонли Фармони[13] эълон қилиниб, унда 16 ёшгача болалари бўлган нафақа олувчи оилалар тоифаси кенгайтирилди ҳамда, мактаб, академик лицей ва коллежларда таҳсил оладиган 18 ёшгача болалари бўлган муҳтож оилалар ҳам мазкур нафақа турини олиш имконига эга бўлди.

Жумладан, Андижон вилоятида 2004 йилнинг биринчи чорагида 2 ёшгача бола тарбияси билан банд бўлган ишламаётган оилаларнинг 3355 нафарига 1403,7 минг сўм, 18 ёшгача боласи бўлган 1242 та оилага 1838,4 минг сўм нафақа пуллари тўланган. Шунингдек, кам таъминланган деб топилган 1878 та оилага 125,3 минг сўм миқдорда моддий ёрдам пуллари тўланган[8:4141-фонд, 29-рўйхат, 80-жилд, 3 -варақ].

Фарғона вилоятида 2006 йил “Хомийлар ва шифокорлар йили” Дастури ижросини таъминлаш бўйича қишлоқ жойлардаги ёрдамга муҳтож 2923 та оилага биттадан жами 906,4 млн сўмлик қорамол бепул бериш орқали моддий ёрдам кўрсатилган[10:2048-фонд, 20-рўйхат, 10-жилд, 26 -варақ].

2006 йил 7 сентябрдаги Республика Президентининг “2007-2010 –йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги[3:273-бет] Қарори ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, 2006 йили Фарғона вилояти ҳудудидаги 11083 нафар ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар, қариялар, ногиронлар ва меҳнат фахрийларини моддий қўллаб-қувватлаш ишларига эса 505 млн. 800 минг сўм маблағ сарфланган[10:2048-фонд, 20-рўйхат, 10-жилд, 51 -варақ].

“Ижтимоий ҳимоя йили” ва “Ёшлар йили” Давлат дастурларига мувофиқ ва ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида 2007 йил 18 майда “Ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги[14] Президент Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонга кўра тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида ёш оилаларга ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар шаклида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш, уй-жой қуриш, таъмирлаш, сотиб олиш, уй хўжалигини йўлга қўйиш, мебель ҳамда бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар сотиб олиш мақсадлари учун кредитлар ажрата бошланди.

Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг манзиллилигини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сонли Қарорига асосан “Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом жорий этилди. Ушбу Низом фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тадбирларини тобора амалга ошириш мақсадида Республика Президентининг 2017 йил 12 сентябрда қабул қилинган “Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3268-сонли Қарори[15] ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш тизимининг янги босқичини бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-5106-сон Фармонини бажариш юзасидан, шунингдек, мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилаларга узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари бериш йўли билан уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 сентябрда 753-сонли “Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш билан таъминлашда қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори имзоланди[16].

2017 йилда Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, вояга етмаган фарзандлари бўлган оилаларни қўллабқувватлаш, соғлигини тиклаш ва яқка-ёлғиз қариялар, ногиронлар ҳамда табиий офатдан жабр кўрган 24 536 нафар фуқароларга 7 424,9 млн. сўмлик моддий ёрдамлар кўрсатилди[17].

4.Хулосалар:

- Юқоридаги далиллар таҳлили шуни кўрсатадики, ўрганилаётган давр мобайнида Фарғона водийси кам таъминланган ва ёш оилаларни ижтимоий ҳимоялаш республика ҳукуматининг доимий диққат марказида турган.

- Шунингдек, аҳолининг кам таъминланган ва кам ҳимояланган

қисми-болаларга, аёлларга, қарияларга, ногиронлиги мавжуд шахсларга ижтимоий ёрдам бериш ва уларнинг турмуш шароитини яхшилаш бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш даврида фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ислохотларга бўлган ишончини янада кучайтиришга ёрдам беради.

• Бугунги кунда ҳам республикамізда ижтимоий сиёсатнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги нафақат иқтисодий ва сиёсий вазиятларгагина боғлиқ, балки халқнинг маънавий қадриятларига асосланган соғлом авлодни тарбиялаш, кўп болали оилаларга мадад бериш, қарияларга ғамхўрлик қилиш, ногиронлиги мавжуд шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Иқтибослар/ Сноски/ References:

1. Газиєв Ш.М. Фўқоролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий ҳимоя фаолиятини такомиллаштириш муаммолари. Юридик фан. номз ... дисс. – Тошкент, 2009. (Gaziev Sh.M. Problems of improving the social protection of citizens' self-government bodies. Dissertation thesis of juridical sciences – Tashkent, 2009.)
2. Ёрматов Ф. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: ҳолати, шаклланиш жараёни, ривожланиш истиқболлари (1991-2010 йиллар. Жанубий вилоятлар мисолида). Тарих фан. номз ... дисс. – Тошкент, 2010. 172 бет. (Yormatov F. The system of social protection in Uzbekistan: status, formation process, development prospects (1991-2010. On the example of the southern regions). Thesis of dissertation of history sciences - Tashkent. 2010. 172 pages.)
3. Jo'raev N.O'zbekiston tarixi (milliy istiqlol davri). -Toshkent: Sharq, 2011. (Juraev N. History of Uzbekistan (period of national independence). -Tashkent: "East". 2011.)
4. Зокирова Н. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини социал ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш (Ўзбекистон Республикаси оилалари мисолида). Тарих фан. номз ... дисс. – Тошкент, 2011. 140 бет. Zokirova N. Improving the system of social protection in a socially oriented market economy (on the example of families in the Republic of Uzbekistan). Thesis of dissertation of history sciences – Tashkent, 2011. 140 pages.)
5. Раҳматуллаев Ш.М. Мустақиллик шароитида Фарғона водийси шаҳарларида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар (1991-1996 йиллар). Тарих фан. номз ... дисс. – Тошкент, 2000. (Rahmatullaev Sh.M. Socio-economic changes in the cities of the Fergana Valley during independence (1991-1996). Thesis of dissertation of history sciences - Tashkent. 2000.)
6. Топилдиев О.Р. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрни(1991-2008 йй.). Тарих фан. номз ... дисс. – Тошкент, 2011. (Topildiev O.R. The role of youth in the socio-political life of Uzbekistan (1991-2008). Thesis of dissertation of history sciences - Tashkent. 2011.)
7. Ўзбекистон Республикаси Миллий архиви. National Archive of the Republic of Uzbekistan.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви Андижон вилояти бўлими. (Andijan regional department of the archive of the Office of the President of the Republic of Uzbekistan.)
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви Наманган вилояти бўлими. (Namangan regional department of the archive of the Office of the President of the Republic of Uzbekistan.)
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви Фарғона вилояти бўлими. (Archive of the Office of the President of the Republic of Uzbekistan Fergana regional department.)
11. Хайдаров З.У. Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихи: қиёсий таҳлил. Тарих фан. номз ... дисс. –

Наманган. 2007.(Khaydarov Z.U. Socio-economic and cultural history of Namangan region in the Soviet period and the years of independence: a comparative analysis. Thesis of dissertation of history sciences - Namangan. 2007.)

12. <https://lex.uz/ru/docs/183305>
13. <https://nrm.uz/contentf?doc=19773>.
14. <https://lex.uz/docs/1200664>
15. <https://lex.uz/docs/3338162>
16. <https://kun.uz/83133736?q=%2F83133736>.
17. <https://mahallakengashi.uz/oz/about/reports/3134/42906/>

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№SI-4 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000